



**“Ишлайман, деганга имкон, маблағи йўққа имтиёзли кредит бердик”**

3-с.

**“Натижа ва ютуқларни сақлаб қолиш, уни эгаллашдан мураккаб юмуш**

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**№38  
(2366)**

**2026 йил  
9 МАЙ,  
ШАНБА**

# Маҳалла

**ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН**

WWW.UZMAHALLA.UZ

## 2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

**СЕМИНАР**

### ЯШИЛ ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ МАҲАЛЛАДА УЙҒОНАДИ



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳамда ҳамкор ташкилотлар иштирокида Тошкент вилоятидаги “Green University” да “Экологик маданият маҳалладан бошланади” мавзусида республика семинар-тренинги бўлиб ўтди.

Унда маҳаллаларда экологик маданиятни юксалтириш, чиқиндиларни самарали бошқариш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди. Экологик қонунчиликнинг мазмун-моҳияти, “Яшил белбоғ” ва “Эко-маданият” лойиҳаларининг аҳамияти ҳақида атрофлича фикр алмашилди. Шунингдек, “Табиат ва ёшлар” экологик акцияси ҳамда “Табиат ёшлар нигоҳида” номи расмлар кўргазмаси ташкил этилди.

Қайд этилганидек, бугун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маҳаллаларни обод ва кўркам ҳудудга айлантириш, аҳоли ўртасида экологик онг ва маданиятни юксалтиришда маҳаллаларда кўчат экиш ва яшил ҳудудларни кенгайтириш ишлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бу борада улкан ҳаракатга айланди. Мазкур лойиҳа доирасида шаҳар ва қишлоқларда миллионлаб дарахт ва бутта кўчатлари экилиб, юртимиз қиёфаси тобора янгиламоқда.

Маълумот учун, 2025 йил баҳор ва куз мавсумларида “маҳалла еттилиги” иштирокида маҳаллалар, кўчалар, аҳоли томоқчалари атрофида 46 миллион 949 минг туп манзарали ва мевали дарахт ҳамда бутта кўчатлари экилди. Бу йил баҳор мавсумида эса мамлакатдаги 8 992 та маҳалланинг барчасида 17 миллион туп ниҳол ўтказилди. Бу рақамлар мамлакатимизда экологик муҳитни яхшилашга қаратилган ишлар кенг қулоч ёзаётганини кўрсатади.

Давоми 7-саҳифада.

### МАҲАЛЛАДА ТАШАББУС БОР, ҲАРАКАТ БОР, НАТИЖА БОР!

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Кахрамон Куропбев Навоий ва Бухоро вилоятларидаги маҳаллаларда бўлди.

БУХОРО ВИЛОЯТИ. Ўрганишлар Ғиждувон туманининг Нодирабегим номидаги маҳалласидан бошланди. Бу ерда маҳалла тизимида амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, ёшларни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди. Туман раҳбарлари ва “еттилик”

аъзолари билан бўлиб ўтган суҳбатда аҳолининг таклиф ва истақларини ўрганиш, муаммоларни тизимли таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳал этиш чораларини кўриш бўйича тегишли топшиқлар берилди.

Давоми 2-саҳифада.

**УЮШМА КУНДАЛИГИ**



**“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?**



## НАВОИЙДА 25 ТА МАҲАЛЛА НАМУНАГА АЙЛАНГАН. БУНИНГ СИРИ НИМАДА?

Бугун маҳалла фақатгина аҳоли йғини ёки мурожаат қабул қилинадиган идора эмас. У — жамият барқарорлиги, ижтимоий муҳит, тарбия, бандлик ва хавфсизликни таъминлайдиган энг қуйи, аммо энг таъсирчан бўйинга айланиб улгурди.

у маънода, биринчи чорак якунлари бўйича республика маҳаллаларининг “ТОП-100” талигида Навоий вилоятдан 25 та маҳалланинг

ўрин олгани катта натижа, айни пайтда катта масъулият ҳамдир. Бу кўрсаткич ҳудудда маҳалла тизимида янгича ёндашув шаклланаётганини, иш услуби рақам ва ҳисобот эмас, аниқ натижага қараб баҳоланаётганини аниқлатади.

Давоми 2-саҳифада.

**МЕДИА-ТУР**

### ЎЗГАРИШЛАРНИ КЎЗ БИЛАН КЎРГАН ЯХШИ: ИСЛОҲОТЛАР ЖУРНАЛИСТЛАР НИГОҲИДА

Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва Ўзбекистон журналистлар уюшмаси ҳамкорлигида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун медиа-тур ташкил этилди.



Қайд этиш керак, айни пайтда вилоятда мавжуд 723 та маҳалланинг 48 таси чегара ва олис ҳудудларда жойлашган бўлиб, 3 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 2026 йилнинг биринчи чорагида 9 мингдан зиёд оилаларга барқарор бандлик хизматлари кўрсатилди. Уз биносига эга бўлмаган 14 та маҳаллага янги бино қуриб берилди, яна ўнлаб бинолар реконструкция қилинди, таъмирланди.

Давоми 3-саҳифада.

**ЭҲТИРОМ**

### “БУРЧ, ЖАСОРАТ, МАТОНАТ!”

Ҳар бир маҳаллада бир тарих бор. У фақат бинолар ёки кўчаларда эмас, балки нурунийлар хотирасида, оқсоқоллар дуосида, урушдан қайтмаганлар номи битилган юракларда яшайди. Хотира ва қадрлаш куни ана шу инсоний эҳтиромни яна бир бор юксалтирувчи сана ҳисобланади.

Давоми 2-саҳифада.



**ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ, БУ —  
ОДДИЙ ВАЗИФА ЭМАС,  
БАЛКИ ҚАЛБНИНГ АМРИДИР!**



**ҲАЁТНИ ҲИССИЁТ БИЛАН ЭМАС,  
МАСЪУЛИЯТ БИЛАН АНГЛАГАНЛАР  
БАҲТЛИ БУЛАДИ**

Бекобод шаҳридаги Қосим ота Фармонов номидаги маҳаллада яшовчи Ҳасанбой ота Холматовга Президент совғаси — замонавий электромобиль калити топширилди.



Давоми 2-саҳифада.



**ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Ғалаба боғига ташриф буюриб, “Матонат мадҳияси” ва “Миллат фидойилари” ёдгорликлари пойига гулчамбар қўйди.**



**Президентимиз Хотира ва қадрлаш куни байрами муносабати билан ХАЛҚИМИЗГА ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ.**



**Давлатимиз раҳбари Москва шаҳрида Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 81 йиллигига бағишланган ТАДБИРЛАРДА ИШТИРОК ЭТАДИ.**

2

# Маҳалла №38

2026 йил 9 МАЙ, ШАНБА

## “МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

### МАҲАЛЛАДА ТАШАББУС БОР, ҲАРАКАТ БОР, НАТИЖА БОР!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Навбатдаги манзил — **Вобкент туманидаги “Чармгарон” маҳалласи** бўлди. Бу ерда нурунийлар, сектор раҳбарлари ва “еттилик” аъзолари билан мулоқот ўтказилди. Сўхбат давомида маҳалла худудиде барпо этилаётган Ёшлар маркази йиғит-қизлар учун кенг имкониятлар яратиши таъкидланди. Шунингдек, “Кумак” лойиҳаси, ёшларни хорижга ишга юбориш тажрибаси, чет тилларини ўқиш, шахмат ва ахборот технологиялари маркази ҳамда ҳайдовчилик курслари фаолияти юзасидан тайёрланган тақдиротлар билан танишилди.



**Когон шаҳридаги Мирзо Улуғбек номидаги маҳаллада ўтган мулоқот ҳам амалий тақлифларга бой бўлди. “Еттилик” аъзолари ва нурунийлар худуддаги мавжуд имкониятлар ҳақида маълумот беришди. Шунингдек, 2-сон мусиқа мактаби ўқувчилари ўз иқтидорларини намоян эшди.**

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ.** Хатирчи туманидаги **“Дамариқ” маҳалласида** “еттилик” аъзолари ва маҳалла фаоллари билан самимий ҳамда очиқ мулоқот ўтказилди. Учрашувда аҳолини қийнаётган долзарб муаммолар атрофида муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ тақлиф ва амалий ташаббуслар илгари сурилди. Шу билан бирга, маҳаллани янада ривожлантиришга қаратилган янги гоёларга алоҳида эътибор қаратилди.

Худуддаги 6-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолияти билан танишиш чоғида муассасани зарур миллий чолғу асбоблари билан таъминлаш бўйича келишувга эришилди. Шунингдек, туманда ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида замонавий “Book safe” ташкил этиш режалаштирилди. Бундан ташқари, 10 нафар нурунийга “Навбахор” сийхатгоҳига йўланмалар ажратилганидан бўлди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



**Лочин ОБЛАҚУЛОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи.**

#### “ЕТТИЛИК” — МАҲАЛЛАНИНГ ИЖТИМОЙ МЕНЕЖЕРИ

Намунали маҳаллалар тажрибасини **Навоий шаҳри** мисолида таҳлил қилсак, худуддаги олтига — **“Орзу”, “Турон”, “Меъмор”, “Зиёкор”, “Чинор”, “Олтин водий”** маҳаллалари “ТОП-100” таликдан жой олди. Мисол учун, “Чинор” маҳалласида чорак давомида бирорта жиноят қайд этилмаган. Оилавий ажралиш ҳолати кузатилмаган. Ишсиз фуқаро қолмаган — йил бошида аниқланган 20 нафар ишсиз шахснинг барчаси банд қилинган. Меҳнат миграциясида бўлган 27 нафар фуқаронинг барчаси юртга қайтарилган.

Бу рақамлар қуруқ статистика эмас. Унинг ортида ҳар бир хонадон билан манзилли ишлаш, эҳтиёжман оилаларни аниқлаш, ёшларни назоратсиз қолдирмаслик, профилактик ёндашувни қучайтириш каби кундалик тизимли меҳнат турибди.

Намунали сифатида қайд этилган маҳаллаларда **“муаммо катталашгандан кейин эмас, келиб чиқилишидан олдин ишлаш”** тамойили шаклланди. Масалан, нотинч оила билан фақат ажралиш арасида эмас, муносабатларда совуқлик сезилган пайтнинг ўзиде ишланади. Ишсиз ёш фақат муурожаат қилганда эмас, ишсиз қолиши эҳтимоли сезилганидеёқ назоратга олинади. Шунинг учун ҳам маҳаллаларда ҳуқуқбузарлик эмас, профилактика устувор бўлиб бормоқда.

**Бандлик масаласида ҳам янги ёндашувлар самара берапти.** Мисол учун, “Турон” маҳалласида “хонадонбай” ўрганиш орқали ҳар бир оиланинг иқтисодий ҳолати таҳлил қилинган. Кимнинг қандай касби бор, кимга кредит ёки субсидия керак, ким уй шароитида даромад топиши мумкин — барчаси аниқ маълумотлар асосида шакллантирилган. Натижада расмий рақам учун эмас, ҳақиқий даромад манбай яратишга эътибор қучайган. Шу орқали йил бошидан бери мавжуд 28 нафар ишсиз шахснинг барчаси ишли бўлди.

Хусусан, бу жараёнда томорқадан самарали фойдаланиш, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш орқали уларнинг доимий даромад манбай яратилди. Касб-хунарга жалб этилганлар ҳисобига аёллар ишсизлиги барҳам топди. Бугун маҳалла раиси бошчилигидаги “еттилик” фақат йиғинни бошқарувчи раҳбар эмас, худуднинг ижтимоий менежерига айланмоқда.

#### ЁШЛАР ҚИЗИҚИШ ВА ИМКОНИЯТ БИЛАН ТАРБИЯЛАНДИ

Ёшлар билан ишлаш борасида ҳам муҳим тажрибалар бор. Илгари ёшлар масаласи фақат тадбир ёки байрамлар билан чекланган бўлса, эндиликда ҳар бир ёшнинг қизиқиши, қобилияти ва муаммоси билан ишлаш амалиёти шаклланди. Спорт майдончаларидаги ҳаёт, китобхонлик муҳити, касб-хунарга тўғарақлари, интеллектуал мусобақалар — буларнинг барчаси ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга хизмат қилаётди.

Биргина **Навбахор туманидан** “ТОП-100” таликка киритилган саккизта — **“Янги ҳаёт”, “Қизилрабат”, “Келачи”, “Совунгар”, “Қизилой”, “Ҳаловаттепа”, “Навбахор”, “Тошрабат”** маҳаллалари таҳлили шуни кўрсатадики, спорт ва маданий муҳит яхши шаклланди. Ёшларнинг ҳуқуқбузарликлар анча кам. Чунки ёшларнинг фақат назорат билан эмас, қизиқиш ва имконият билан ҳам тарбиялаш мумкин. Айниқса, кечки пайт спорт майдонлари ёки ёшлар марказлари фаол бўлган худудларда ижтимоий муҳит барқарорлашмоқда.

Мисол учун, **“Ҳаловаттепа”** маҳалласида 1853 нафар йиғит-қиз тўлиқ оммавий спортга жалб этилган. Бандлиги таъминланган 17 нафар шахснинг аксарияти ёшлардир. Айни йўналишда “еттилик”қа қилинган муурожаатлар тўлиқ ҳал этилган, 12 нафар мигрант ёш Ватанга қайтарилган. Ёшлар ўртасида жиноятчилик, оилавий ажралиш қайд қилинмаган.



## “БУРЧ, ЖАСОРАТ, МАТОНАТ!”

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

**Жамшид ЧОРИЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бошқарма бошлиғи.**

“9 май — Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ, бу йилги тадбирлар **“Бурч, жасорат, матонат!”** шиори остида ташкил этилмоқда. Айтиш жоизки, бугунги кунда маҳаллаларда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган **60 нафар фахрий** истиқомат қияпти. Улар нафақат тарихнинг тирик гувоҳлари, балки сабр, матонат ва Ватанга муҳаббат тимсолидир. Шу боис жойларда уларнинг ҳолидан хабар олиш, муносиб эъзозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Фаргона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров фарғоналик уруш фахрийларига Президент совгаларини топширди.**



Қарорга кўра, маҳаллаларда маданий-маърифий тадбирлар, “уч авлод учрашувлари”, тасвирий санъат кўргазмалари, ижодий кечалар, танловлар ва оммавий спорт мусобақалари ташкил этиляпти. Бу ёшларда китобда ўқилган тарихни ҳаётий мисоллар орқали ҳис қилиш имконини яратаяпти. Қолаверса,

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийлари, шунингдек, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаяпти.

#### ЭҲТИРОМ



**Маълумот учун, уруш қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 30 миллион сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти тўланади. Уларнинг хоҳишларига кўра, республика худудидеги санитарийларга 1 нафар қўзатувчиси билан бирга бепул юборилади.**

Президент қарори билан тасдиқланган дастурга мувофиқ, **“маҳалла еттилиги”** вакиллари бошчилигида ёлғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг тураржойлари ободонлаштирилади. Маҳаллаларда аҳоли орасида хурмат қозонган фахрийлар, айниқса, 100 ёшдан ошган кексалар, устоз ва мураббийлар, худуд тарққиётига муносиб ҳисса қўшган инсонларга алоҳида эҳтиром кўрсатилади.

#### МАҲАЛЛАНИНГ ҲАҚИҚИЙ БАҲОСИНИ ОДАМЛАР БЕРАДИ

Бугунги давр маҳалладан фақат тадбир эмас, аниқ ўзгариш талаб қилмоқда. **Одамлар чиройли ҳисобот эмас, ҳаётидаги енгилликини ҳис қилишни истаиди.** Агар маҳаллада ишсизлик қисқарса, жиноят камайса, оилалар мустаҳкам бўлса, кўчалар обод бўлса, бу — энг катта баҳо.

**Навоий вилояти тажрибаси яна бир ҳақиқатни кўрсатмоқда:** намунали маҳалла тасодифан пайдо бўлмайди. У кундалик меҳнат, интизом, жамоавий иш ва энг муҳими, аҳоли билан самимий мулоқот орқали шаклланади. Қаерда “маҳалла еттилиги” бир жамоа бўлиб ишласа, уша худудда натижа бор. Шунинг учун эндиликда асосий вазифа — айрим яхши тажрибаларни фақат битта маҳаллада сақлаб қолиш эмас, балки уларни оммалаштиришдан иборат. Ҳўш, намунали маҳалла сири нимада?

Аввало, **ҳар бир туманда “намунали маҳалла”** фаолиятини йўлга қўйиш лозим. Бундай маҳаллалар нафақат юқори кўрсаткичлари, балки ишни ташкил этиш услуби билан ҳам намуна бўлиши керак. Шунингдек, маҳаллалар фаолиятини баҳолашда фақат ҳисобот ёки расмий рақамларга эмас, **аҳоли фикрига ҳам алоҳида эътибор қаратиш муҳим.** Чунки маҳалланинг ҳақиқий баҳосини расмий идора эмас, ўша худудда яшаётган одамлар беради.

Яна бир муҳим йўналиш — **ишсиз, ижтимоий хавф гуруҳидаги ва доимий назоратга муҳтож фуқаролар бўйича рақамли назорат тизимини шакллантириш.** Бу орқали ҳар бир маҳалладаги ижтимоий ҳолатни аниқ таҳлил қилиш, муаммони умумий эмас, манзилли ҳал этиш имконияти пайдо бўлади. Шу билан бирга, маҳаллалар ўртасида **спорт, китобхонлик, касбга йўналтириш ва интеллектуал муҳитни қучайтириш** бўйича доимий мусобақалар ташкил этиш зарур.

Вилоятда **“бир маҳалла — бир тажриба”** тамойили кенг жорий этилган. Яъни қайси маҳалла қайси соҳада юқори натижага эришган бўлса, унинг тажрибаси бошқаларга ўргатилади. Бундан ташқари, **“маҳалла еттилиги”** учун амалий кейслар асосида **доимий ўқув тизимини** йўлга қўйиш зарур. Чунки бугунги давр маҳалла ходимидан фақат тажриба эмас, таҳлил, мулоқот ва бошқарув кўникмасини ҳам талаб қилмоқда. Аҳоли билан ишлашда эскича усуллар билан юқори натижага эришиб бўлмайди.

Энг асосийси, маҳалла тизимида **“хеммаси яхши”** деган сунъий қарашдан воз кечиш керак. Муаммони яширган маҳалла эмас, уни ҳал қилган маҳалла намунали бўлади.

Бу жараёнларда **“маҳалла еттилиги”** аъзоларининг фаолияти, айниқса, эътиборли. Улар халқ орасида меҳнати, фидойилиги ва инсонпарварлиги билан хурмат қозонган инсонлар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёт йўлини ёшларга етказиш мақсадида тарғибот суҳбатлари ўтказмоқда. Бу маҳаллаларда маънавий муҳитни янада мустаҳкамлаш, авлодлар ўртасидаги ворисийликни қучайтиришга хизмат қияпти.



Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг ЎЗ БАНК КАРТАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ комиссиясиз амалга оширилади.



Тошкентда янги аэропорт қурилиши июнда бошланади. Лойиҳа қиймати — 4,5 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР.



2030 йилгача ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ САНОАТИДА 12 триллион сўмлик марра белгиланди.

2026 йил  
9 МАЙ,  
ШАНБА

**Mahalla** №38

3

## “ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

### “Мўъжазгина эътибор катта марраларга қанот бўляпти”

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси туман бўлими раҳбари телефон қилганида бирон муаммо масала чиқдимикан, деган ўй билан гўшакни кўтардим...

Низомиддин ПОШШАЕВ,  
Чортоқ туманидаги  
“Боғистон” маҳалласи раиси.

Раҳбарнинг овозидаги хушчақчақликдан кўнглим таскин топди. “Табриклаيمان, сиз етакчилик қилаётган “еттилик” меҳнати муносиб баҳоланиб, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан аниқланган “ТОП-100” таллиқ кирибсизлар”, деган сўзларини тинглар эканман, барча қийинчиликлар, чеккан захмларимиз унутилди.



Бу — кичик натижа биз учун унутилмас воқеа бўлди. Тўғри, эътирофга омил бўлган жиҳатлар кундалик вазифамиз. Яъни, ҳар кунлик ишимизни бажардик, холос. Эътиборлиси, раҳбарият ҳар бир интилиш ва изланишимизни қадрлаётгани. Бу кучимизга куч қўшди. Кичик эътибор инсонни катта марраларга қорлашига яна бир қарра амин бўлди.

Таъкидлаганимдек, аслида бошқа ҳам-касблар каби яратилган имконият ва имтиёزلардан фойдаланиб, худудимизни Янги Ўзбекистон маҳалласига айлантириш ҳаракатидамиз. Ҳар бир ходим ташаббус кўрсатаяпти, ўз йўналиши бўйича тушган мурожаатга вақтида ечим топяпти.

Камбағаллик ва ишсизликни бартараф этиш, аҳоли орасида тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлашга доир натижамиз ҳам чакки эмас. Жорий йилда 8 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлса, бугунгача барчаси ишли бўлди. Камбағал-

лик 6,3 фоиздан 4 фоизга тушди.

Халқимизда “Бирлашган — ўзар”, деган нақл бор. Дарҳақиқат, ҳамжиҳатликда гап кўп экан. Нафақат “еттилик” ходимлари, балки маҳалладошлар ҳам елкадош бўляпти. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатимиз натижасида икки йил ичида 14 та кичик бизнес субъекти ташкил этилди. 40 та янги иш ўрни яратилди. Айниқса, аёл тадбиркорлар кўпайиб бораётгани қувонарли. Чунки, улар ишли бўлса оила ва фарзандлар учун бир имконият, агар тадбиркор бўлса, оила ва фарзандлар келажаги учун ўн имконият.

### ТАВСИЯ МЕВА ҚУЁШДА КУЙМАСИН ДЕСАНГИЗ...



Меваларнинг куйиб қолиши кўпинча, ёз ойларининг жазирама кунда кузатилади. Лекин бунинг олдини олиш ҳаракати баҳорнинг охириг ойи — майда бошланади. Чунки айнан шу даврда дарахт барги шаклланади, мева катталаша бошлайди.

Шодмон НАМОЗОВ,  
Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Хўш, куйишининг олдини олиш учун нима қилиш керак? Мутахассислар тавсиясига қўра, аввало, суғоришни тартибга солиш, тупроқ намлигини бир меъёрга сақлаш лозим.

Сув танқислиги бўлса, дарахт ўзини совитиш қобилиятини йўқотади ва ёзда мевалар тез қуяди. Шунинг учун дарахтни эрталаб ёки кечқурун суғоринг, тупроқни ҳаддан ташқари қуритиб юборманг, бирданига кўп сув бериб, кейин узок вақт сувсиз қолдирманг. Энг яхши усул — намликни барқарор ушлаш. Соя тўрлардан фойдаланиш, айниқса ёш боғлар, анор, олма, шафтоли ва узумзорларда яхши натижа беради.

Кўп боғбонлар мева яхши ранг олсин, деб баргини узиб ташлайди. Аммо май ойида бу ишни қилиш хато. Чунки барг мевани қуёшдан химоя қилади, дарахтни совутади, озуқа ишлаб чиқаради, ҳосил сифатини сақлайди. Шунинг учун фақат зарур ҳолатда ва меъёрида узиш керак. Акс ҳолда табиий соядан маҳрум қилиб қўйилади. Шунингдек, ортиқча шохларни кесиб қўйиш бўлинг. Айниқса, олма, ноқ, шафтоли, ўрик ва анорда меваларни тўлиқ очиб ташламанг.

Тупроққа кўпроқ ишлов беринг. Дарахт тагига турли ўсимлик қолдиқлари ёйилса, намлик узокроқ сақланади. Яна тупроқ қизиб кетмайди, илдииз бақувват бўлади. Бу жараёнда шира, ўргимчаккана ва бошқа зараркундалардан ҳам эҳтиёт бўлиш зарур. Боғни мунтазам кузатиб, вақтида агротехник тадбирлар қўриш керак.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

### “ИШЛАЙМАН, ДЕГАНГА ИМҚОН, МАБЛАҒИ ЙЎҚҚА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ БЕРДИК”

Қайси худудда тадбиркор кўп бўлса, ўша жойда яшовчи аҳоли ўзига тўқ яшайди. Авваллари хонадонма-хонадон кириб, ўрганиш олиб борганимизда, кўплаб ёшлар, хотин-қизлар тадбиркорлик билан шуғулланишга, бизнесни бошлашга қизиқар, кўзи ёниб турарди. Лекин бирор ишининг бошини туттишга, лойиҳасини амалга оширишга имконияти йўқ, қурби етмасди. Афсуски, маҳалланинг ҳам бу борада қўли калта эди.

Санжар ҚУРБОНОВ,  
Урганч туманидаги  
“Боғдорчи” маҳалласи  
ҳоким ёрдамчиси.

Бугун ўзгача манзарага гувоҳ бўласиз. Барча зарур имконият яратилган. Кимнинг маблағи бўлмаса, имтиёзли кредит, қўрқув борга дала ва маслаҳат бериляпти, керак бўлса, касб-хўнарга ўқитиляпти. Шунданми, ишбилармонлар сафи ортапти.

Фикримиз исботини Мақсуда Бекбоева ташкил этган корхона мисолида кўриш мумкин. Бу ерда турли хил ширинликлар тайёрланади. Мўҳими, 10 нафар ёшлар иш билан таъминланган. Шунингдек, худудда миллий хўнарамандчилик, тикувчилик, тўқувчилик йўналишида касб тўғрақлари ташкил этилган.



Тадбиркор Ширин Абдуллаева асос солган кичик корхонада катталар ва болалар учун пайпоқ ишлаб чиқарилади. Дастлабки йилда 4-5 донна дастгоҳ билан иш бошланган бўлса, бугун уларнинг сони 20 доннага етди. Табиийки, иш ўринлари ҳам кўпайди. Асосан, “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган ишсиз хотин-қизлар меҳнатига таянамиз. Мисол учун, Анахон Абдурахимова ишсизлиги сабабли “Аёллар дафтари”да турарди. “Еттилик” тавсияси билан корхонага ишга жойланди.

Бу каби имкониятдан фойдаланиб, миграцияда юрган фуқароларни ватанга қайтаришга эришдик. Мисол учун, Ҳамдам Юсупов яқин-яқингача оиласидан олисда ишлашга мажбур эди. Имтиёзли кредит олиб, “Чаманбоғи” корхонасини ташкил қилди. Бу ерда суюқ совун ишлаб чиқариш ҳамда унинг сотувини йўлга қўйди. Қўвонарлиси, миграциядаги икки нафар укасини ҳам қақриб олди. Ҳозир уч ака-ука оила бағрида меҳнат қилмоқда.

Жазони ижро этиб қайтган Бекназар Матназаров ҳам маҳалла кўмағида кредит олиб, чорвачилик ва боғдорчиликка ихтисослашган масъулият чекланган жамият орд. Ҳақда турмуш ўртоғининг бандлигини таъминлади.

Умуман, меҳнатга лаёқатли кишиларни ишга жойлаш, фуқаролар турмуш фаровонлигини ошириш, ҳаёт даражасини юксалтириш — “еттилик”нинг бош мақсадига айланган. Бу бежиз эмас. Чунки ишсизлик ўз ортидан кўплаб муаммоларни етаклаб келади.

МЕДИА-ТУР

### ЎЗГАРИШЛАРНИ КЎЗ БИЛАН КЎРГАН ЯХШИ: ИСЛОҲОТЛАР ЖУРНАЛИСТЛАР НИГОҲИДА



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ширинхон МЎМИНОВА.

Иштирокчилар дастлаб Термиз туманидаги “Қаҳрамон” маҳалласида бўлди. Бу ерда ташкил қилинган иссиқхоначилик, гулчилик ва қўчатчилик фаолияти билан танишилди. Томорқачи Бобоёр Холбоевнинг меҳнати барчада катта таассурот қолдирди. У 52 сотих ер майдонида помидор, бодринг, бўлғор қалампир, қарам каби маҳсулотлар билан бирга, ўнлаб турдаги гул қўчатлари етиштирмоқда. Мўҳими, мазкур ҳўжалик орқали 12 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланган. Аксарияти “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган хотин-қизлар ва меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролардир.

Кейинги манзил — Термиз туманидаги “Айри-том” маҳалласида барпо этилган спорт майдончаси ёшларни спортга жалб қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда мўҳим аҳамият касб этмоқда.

Термиз шаҳридаги “Кокилдор-ота” маҳалласига уюштирилган ташриф ҳам таассуротларга бой бўлди. Бугун мазкур маҳалла иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан тез ривожланаётган худудлардан. Асосий иқтисодий йўналиш — иссиқхоначилик. Яқинда замонавий маҳалла биноси фойдаланишга топширилди. Тадбиркор Абдулвахоб Абдусатторов ташаббуси билан барпо этилган ушбу бинода “маҳалла еттилиги” учун барча шароит яратилган.

Медиа-турнинг энг эътиборли манзилларидан бири — Жарқўрғон туманидаги “Янги Ўзбекистон” маҳалласи бўлди. Чўл худудини ўзлаштириш хисобига барпо этилаётган ушбу массивда қисқа вақт ичида кўп қаватли уйлар, мактаб, боғча ва маҳалла бинолари қурилди. Ҳозирга қадар минглаб аҳоли янги хонадонларга кўчиб ўтди. Худудда ахборот технологиялари ва инглиз тилига ихтисослашган ўқув марказлари, микромарказлар ва савдо объектлари фаолият юритмоқда. Журналистлар бу ердаги замонавий инфраструктура ва аҳоли учун яратилган шароитларни юқори баҳолади.

Жарқўрғон туманидаги “Гулистон” маҳалласида йўлга қўйилган картошқачилик фаолияти ҳам юқори баҳоланди. Чунки аҳоли томорқадан самарали фойдаланиб, ўз даромадини ошириш борабарда, ички бозорни қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мазкур тадбир маҳаллаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий натижасини намоён этиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва давлат ҳамда жамоатчилик ўртасидаги очиқ мулоқотни мустақамлашга хизмат қилди.

Саҳифани  
“Mahalla” мухбири  
Хайрулло  
АБДУРАҲМОНОВ  
тайёрлади.





Миграция агентлиги ҳамда Япониянинг “Onodera User Run” компанияси аёллар учун парваришлаш йўналишида ЯПОНИЯДА ИШЛАШ ДАСТУРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.



Ўзбекистонда эркакларга фарзандли бўлганда турмуш ўртоғига ёрдам бериш учун ҚИСҚА МУДДАТЛИ ТАЪТИЛ БЕРИЛАДИ.



Хусусий тиббиёт ташкилотларига ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲИСОБИДАН хизмат кўрсатишга ружсат берилди.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ОҚИЛАЛИК ОИЛА БЕГАГИ

“МЕХНАТ БИЛАН ҚАЛЪ РИШТАСИ МУДОМ МУСТАҲКАМ”

Бугун ишлайман, меҳнат билан бирор натижага эришаман, деган киши учун имкониятлар жуда кўп. Айниқса, маҳалла тизимида яратиб берилаётган шарт-шароитлар таҳсинга лойиқ. Биздан талаб этиладигани фақат фидокорлик ва халқ кўнглига йўл топиш, холос.



Азиза ЭШТОВА, Пахтакор туманидаги “Сувонобод” ва “Дилором” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Маҳалламиздаги хотин-қизлар жуда тиришқок. Худуд “драйвер”и ҳисобланган чорвачилик ва деҳқончилик йўналишларида самарали фаолият юритиб келяпти. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мунтазам равишда оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, таълим имкониятларини кенгайтириш, муаммоларни аниқлаб, жойида ҳал этиш бўйича амалий жиҳатдан қўмақлашяпмиз.

Аёллар йил бўйи 5-10 сотихдан иборат томорқасида картошка, бўлғор қалампир ва исмалок каби экинларга мароқ билан ишлов беради. Ҳосилни пешма-пеш бир-бирига улаб, даромадини ошириш ҳаракатида. Ерга меҳр қўйган, тажриба ошириб, тўғри ёндашаётганлар сира кам бўлмапти. Бу юмуш фақатгина моддий манфат келтириб қолмай, оиладаги эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни ҳам мустаҳкамлашга хизмат қиляпти. Ҳамкорликда меҳнат қилиш, бамаслаҳат ҳосил етиштириш кўнгил ришталарини бирлаштиряпти.

Баъзан ҳаёлан ўтган кунларга қайтаман. Узоққа эмас, бундан ўн-ўн беш йил олдинги аёлларнинг турмуш шароити кўз ўнгимда гавдаланади. Фақатгина ўқиган, қўлида дипломи бор опа-сингилларимиз ишларди, холос. Уйда бекор ўтирадиган, ҳаётидан мазмун қидириб топа олмаётган хотин-қизлар жуда кўп эди. Бугун эса давлат яратиб бераётган қўлайликлар барчага бирдек имконият тақдим этяпти.

Матлуба Бозорова маҳалла биносининг буш турган хонасида тикувчилик цехи ташкил этган. Чевар, асосан, миллий услубдаги либослар ва курок тикади. У ижтимоий реестрга киритилган оила фарзандларига ҳунар ўргатишдан ташқари, 3 нафар аёлнинг доимий бандлигини таъминлаган. Утган йили тадбиркор “Энг яхши ижтимоий лойиҳа” танловида голибликни қўлга киритиб, 23 миллион сўм маблағ ютиб олди. Шундан сўнг янги куч ва ғайрат билан фаолиятини янада кенгайтиришга киришди.



Нигора Раҳимова ва Юлдуз Сувонова эса бир неча йилдан буён туман марказидаги гўзаллик саломида ишлаётган эди. Эндиликда маҳалламиздаги кичик бинода уларнинг мазкур фаолиятини давом эттириши учун шароит ҳозирланяпти. Маҳалла тавсияси билан ажратилаётган имтиёзли кредит тадбиркорларга анча дастак бўляпти.

Аёлларимизнинг ютуғини кўрсам, жуда қувонаман. Бу жараёнда бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигини ҳис этиш эса бирам мароқли. Келгусида бундан-да кўпроқ натижаларга эришишни олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганимиз.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

НАТИЖА ВА ЮТУҚЛАРНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ, УНИ ЭГАЛЛАШДАН МУРАККАБ ЮМУШ

Ўйдим-чуқур ва чанг кўчалардан юриш жуда кўп ноқулайликларни юзага келтиради. Айниқса, ёгингарчилик мавсумида лой бўлганидан қадам босишга жойи топиб бўлмайди. Қолаверса, бундай қаровсиз йўллар худуд қиёфасига ҳам путур етказилади. Шу боис беш йил аввал маҳалладаги ишимни инфратузилмани яхшилашдан бошладим.



Наргиз ШАРИПОВА, Урганч шаҳридаги “Жинговуз” маҳалласи раиси.



Умумий ҳисобда 3,5 км. йўл асфальтлаштирилди. Тунги чироқлар ўрнатилиб, худудимиз чарогон масканга айланди. Бундан ташқари, охириги икки-уч йил давомида “Яшил

макон” умумимиллий лойиҳаси доирасида мунтазам равишда мевали ва манзарали кўчатлар ўтказиш анъана тусига айланган. Шу кунларда “Нуронийлар боғи”ни барпо этиш лойиҳаси устида иш олиб бориляпти.

Аҳоли муаммоларини ҳал этиш эътибор марказимиздаги асосий масалалардан бири. Манзилли ёндашув ва “еттилик” сазй-ҳаракатлари сабаб маҳалламиз ишсизлик, ажрашиш, жиноятчилик ва камбағалликдан холи худудга айланди. Бу натижани қўлга киритишда ҳар бир муаммо учун ўзига хос усулларни қўллашга тўғри келди.



Масалан, оилаларни муросага келтириш мақсадида келиша олмаётган қайнона ва келинларга алоҳида-алоҳида яшашни тақлиф қилдик. Аввалига, бу ташаббусни тарафлар ижобий қабул қилишди. Лекин орадан бироз вақт ўтиб, ёшлар ижара пулини тўлаш, рўзғор юкини кўтаришда қийинчиликларга дуч кела бошлади. Қабул қилган қарори хато эканини тушуниб, яна оиласи бағрига қайтишга мажбур бўлди. Шу усул орқали ўнлаб оила вакилларини яраштиришга эришдик.

Маҳалламизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг таълим олишини рағбатлантириш ҳамда бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Ҳар йили 15 нафардан талабанинг шартнома пулини тўлашда амалий қўмақ кўрсатиляпти. Қолаверса, йигит-қизларимизнинг қизиқишини инобатга олган ҳолда уста ҳунармандларга шоғирд сифатида бириктиряпмиз.

Муқаддас Қосимова билан ушбу йўналишда мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Ўн беш йилдан буён ўттиз турдан ортиқ нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган аёл айни вақтда учта новвойхонасида 100 нафарга яқин фуқаронинг бандлигини таъминлаган. Келгусида ўқув марказ ташкил этиб, хотин-қизларга пазандлик ҳамда қандалатчилик бўйича таҳсил бермоқчи. Натижалар ва ютуқлар қанча кўп бўлмасин, уларни сақлаб қолиш янада кўпроқ меҳнат қилишни талаб этади. Шу боис доимий изланишдамиз. Янгидан-янги ташаббусларни амалга таъбиқ этишдан сира чарчамаймиз.

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

“Бағрикенглик ва шукроналик — эъзоз ва эҳтиром элтувчи йўл”

Пахтабод туманининг “Наврўз” маҳалласида истиқомат қилувчи 109 ёшли Чиннихон момо бугун нафақат бир оиланинг, балки бутун элнинг дуоғўйига айланган. Сўзлари содда ва самимий онахон билан суҳбатлашсангиз, ҳаётнинг оддий ҳақиқатлари — ҳалол меҳнат, бағрикенглик ва шукроналик инсонни муродга, эъзоз ва эҳтиромга етказишига яна бир бор амин бўласиз.



Ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида онахон Президентимиз фармони билан “Шухрат” медали билан тақдирланди. Чиннихон момо қаби табаррук инсонлар бизнинг маънавий устунларимиздир. Уларнинг дуоиси юртимизга фойда, йўлларимизга ёғду беради. Асп билан юзма-юз келиб, шукроналик билан яшаётган бундай нуронийларни эъзозлаш — биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ, журналист.

Чиннихон момо ҳаётда кўп синновларни бошидан ўтказгани, ёшлик йиллари машаққатли кечганини фарзанд ва набираларига кўп бор гапириб берган. Угли Фозилжон аканинг айтишича, онахон 13-14 ёшидаёқ елкасига кетмон илиб, далага чиққан. Болалик нималигини билмай, гўза чолган, ариқ тозаллаган.

Чиннихон момо турмуш ўртоғи Омонбой ака билан беш нафар ўғил-қизни воёга етказиб, эл қаторига қўшди. Бугун фарзандларининг уч нафари ҳаёт. Ҳозирда 68 ёшли ўғли Фозилжон ака, келини Ёқутхон ая, неваря келинлари Зарифахон ва Саодатой момонинг хизматида.

— Яратганга беадад шукрлар бўлсин. Шундай тинч, дориломон кунларда яшяпмиз, — дейди Чиннихон момо. — Ҳозирги тинч, фаровон ҳаётнинг қадрига етайлик. Ҳалол меҳнат, кўнгил хотиржамлиги, бағрикенглик, одамларга яхшилик қилиш, чиройли муомала инсон умрини узун қилади.

Урушдан кейин 1961 йилда хасталик туфайли турмуш ўртоғи оламдан ўтади. Чиннихон момо мактабда фаррошлик қилди, ипак курти боқди, аммо ҳеч қачон нолимади. Фарзандлари қалбига халолликни муҳрлади. Ёлғиз аёл боши билан уларга бошқош бўлди, уйлади, турмушга берди.

ЮҚОРИ ДАРОМАД ОЛИШ, АВВАЛИГА ОСОН КЕЧМАГАН...

Шўрчи туманидаги “Эгарчи” маҳалласида яшовчи Гулзебо Ҳайиталиева бугунги кунда ўз меҳнати ва ташаббускорлиги билан маҳалла аҳлига ўрнатилган бўлиб келмоқда. Аёл томорқасининг 5 сотих ер майдонида иссиқхона ташкил этиб, унда помидор етиштиришни йўлга қўйган.

Нигина ШОЕВА, журналист.



Аввалига иссиқхона қуриш, уруғ танлаш, парвариш қилиш жараёнлари осон кечмаган. Бироқ изланиш, тажриба ва меҳнат орқали у бу соҳада етарли билим ва кўникмага эга бўлди.

— Томорқамиздан унумли фойдаланиб, оилавий даромадимизни оширишни истодим, — дейди Гулзебо Ҳайиталиева. — Бу борада менга турмуш ўртоғим яқиндан қўмақлашди. Дастлаб, тажриба-миз камлиги сезилди. Қандай уруғ экиш, экинларни қай тарзда парвариш қилиш, қайси вақтда суғориш каби масалаларни ўрганиш-

га, маслаҳат олишга тўғри келди. Иссиқхонадан самарали фойдаланиб, сифатли ҳосил олишни аста-секин ўргана бошладик. Энг асосийси, меҳнат қилиш, изланиб даромад олиш борасида қўрқмасдан ҳар қандай кераклигини англадик.

Бугунги кунда Гулзебо Ҳайиталиева ўз иссиқхонасида етиштирилаётган помидор юқори сифатга эга бўлиб, бозорда талабгир маҳсулотлардан бирига айланган. Унинг бу ташаббуси маҳалладаги бошқа хотин-қизлар учун ҳам



Саҳифани “Mahalla” муҳбири ШАҲНОЗА РАҲИМХУҲАЕВА тайёрлади.



Ўзбекистон ҳудудида тақиқланган диний материаллардан огоҳлантириш ва уларни текшириш учун "Telegram" мессенжерига МАХСУС БОТ ИШГА ТУШИРИЛДИ.



Олий суд 1920-1934 йилларда ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН 161 НАФАР ШАХСНИ ОКЛАДИ ва реабилитация қилди.



Кўп квартиралли уйда тўсиқ конструкциясини ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН БУЗГАН ШАХС жазоланади.

2026 йил 9 МАЙ, ШАНБА

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ, БУ — ОДДИЙ ВАЗИФА ЭМАС, БАЛКИ ҚАЛЪНИНГ АМРИДИР!

Маҳалламиз ёшларига қараб, бир нарсага яна бир бор амин бўламиз: ҳар бир йигит-қизнинг қалбига ҳали очилмаган бир истеъдод яшайди. Фақат ўша қирраларни кўра билиш, йўл кўрсатиш ва ишонч бера олиш керак.

Ойгул ҲАМИДОВА, Ёшларнинг тўғри йўлидаги "Ҳавзан" маҳалласи ёшлар етакчиси.



Албатта, ёшлар билан ишлаш фақат тадбир ёки лойиҳалар билан чекланмайди. Баъзан уларнинг қалбига оғриқни ҳам вақтида сезиш керак бўлади. Ёшлар жўшқин бўлади, ҳиссиётга берилади. Қаттиқроқ гап зшитса, жаҳл устида ҳато йўлга қилиши ҳам мумкин. Шундай вазиятларда тажриба ва сабр жуда керак бўлади.

Мен ёшлар етакчиси сифатида йиллар давомида айнан шу масалани ўзимга энг катта мақсад қилиб келаман. Ёшларни фақат бир йўналиш билан чеклаб бўлмайди. Кимдир илмга қизиқади, кимдир ҳунарга, яна бошқаси тадбиркорлик ёки санъатга ошно бўлади. Муҳими, ёш ўз йулини топа олсин.

Худудимизда йигит-қизлар турли соҳаларда фаолият юритади. Айниқса, шўрданак тайёрлаш билан шуғулланаётган ёшларнинг меҳнати тахсинга лойиқ. Турли туманлардан ўрик донналари олиб келинади. Аввал яхши донналар сараланади, кейин ювилиб қурилади. Сунгра қўлда битталаб чақилиб,

шўр сувда қайнатилади. Яна қури-тилгач, бозорларга чиқарилади. Бу майда, аммо сабр ва меҳнат талаб қиладиган иш. Шу сабаб кўпинча бутун оила биргаликда ишлайди. Мен бундай оилаларга қараб, меҳнатнинг ўзи ҳам тарбия эканини ҳис қиламан.

Маҳалламиздаги тикувчилик цехи кўплаб хотин-қизларга, айниқса, ёш қизларга имконият яратмоқда. Ҳозир у ерда 60-70 нафар аёл-қиз ишлайди. Улар нафақат ҳунар ўрганмоқда, балки ўз даромадига эга бўлиб, оиласига суняч бўляпти. Бу ерда тикилган кийимлар, ҳатто Қозғонгонга экспорт қилинади. Энг қувонарлиси, ёш қизларнинг ўз кучига ишончи ортмоқда.

Ёшларимиз орасида Озодбек Қиёмов ширмой нон пишириш билан шуғулланади. Фаолиятини бошлашида унга 83 миллион сўм кредит олиб беришда кўмаклашган эдик. Ҳозир тоғасидан ўрганган ҳунарни мустақил давом эттиряпти. Унинг гулли ширмой нонларига

талаб жуда катта. Чунки бу нонларнинг ичига нўхат, арпа ва бодом солинади. Ноннинг нафақат қуриниши чиройли, балки жуда тўйимчи ҳам. Ҳар сафар унинг тандир олдидаги меҳнати кўрсатилган ёшларга берилган имконият бесамавр кетмаётганидан қувонаман.

Санъатга ошно ёшларимиз ҳам бор. Яна бир йигитимиз мусика асбобларини мохирона чалади. Унга ҳам 35 миллион сўм кредит олишига ёрдам бергандик. Ҳозир тўй-ҳашам ва базмларда хизмат қилиб, ўз меҳнати ортидан даромад топтомоқда. Устачилик қилаётган, уй таъмирлаб рўзгор тейратаётган ёшларимиз ҳам талайгина. Бир сўз билан айтганда, ёшларимиз изланмоқда, ишламоқда, ўқимоқда. Энг муҳими — улар бекор юрмайпти.

Бир сафар ёш қизларимиздан бири онаси билан келишмовчилик сабаб уйдан чиқиб кетиб, ёмон даврага қўшилиб қолганди. Ҳолатдан хабар топишимиз билан дарҳол шуғулландик. Отаси хориждан чақиртирилди. Хотин-қизлар

фаоли ва профилактика инспектори билан биргаликда тушунтириш ишлари олиб бордик. Қизини яна тўғри йўлга қайтардик. Кейинчалик уни дўғонаси билан бирга волонтерлик фаолиятига жалб этдик. Ҳозир улар тадбирларда фаол қатнашади.

Бугун илм олиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Айниқса, "2+6" дастури ёшлар учун катта имконият бўлди. Ушбу дастур асосида ўқув марафонлари ташкил этилиб, ёшларнинг билим олишига кўмак берилмоқда. Ҳатто 300 миллион сўмгача кредит ажратиш имконияти ҳам мавжуд. Бу эса ёшларнинг тадбиркорлик ёки таълим лойиҳаларини бошлашида катта туртки бўляпти. Ҳозир маҳалламиздаги бир ёшимиз айнан шу имкониятлардан фойдаланиб, чет тилларини ўргатишга ихтисослашган ўқув маркази очди. Биз унга ҳам яқиндан кўмаклашяптимиз. Чунки бугунги давр ёшдан замонавий билим, тил билиш ва кенг дунёқараш талаб қилади.

ЖАҲОЛАТ — ЖАРЛИК ДЕМАК!

Бугун йўлларда шундай ҳайдовчилар борки, автомобилни гўё инсон эмас, темир бошқараётгандек. Айрим ҳайдовчилар машинада йўловчи борлигини, унинг ҳаёти ўз қўлида эканини унутиб қўяди. Улар тезлик, кескин бурилишни маҳорат, деб билади. Энг ачинарлиси, бундай лоқайдлик энди болалар тақдирига ҳам хавф сола бошлади...

БИР ЛАҲЗАЛИК БЕПАРВОЛИК БИР УМРЛИК ПУШАЙМОНГА АЙЛАНМАСИН!

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Кейинги кунларда болаларни автомобилда ташиш билан боғлиқ ҳолатлар жамоатчиликни жиддий хавотирга солди. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг 1-5 май кунлари республика бўйича болаларни ташиш билан боғлиқ 40 та қондабузарлик аниқланган. Барча ҳолатлар юзасидан ҳайдовчиларга маъмурий қоралар қўрилган. Аммо масаланинг энг оғир томони, бу — оддий статистика эмас, балки болалар ҳаёти билан боғлиқ рақамлардир.

Бугун айрим хусусий боғчалар ёки норасмий ташувчилар қўшимча даромад ортидан қувиб, машинани одам ташиш воситасидан кўра, юк машинасига айлантириб юбормоқда. "Damas"га 30 нафардан зиёд, "Spark" ёки "Matiz"га меъеридан бир неча баробар кўп болалар тиқштириб олиб кетилаётгани кунда-кунора учраб турибди. Тасаввур қилинг: ҳали мактаб ёшига ҳам етмаган болалар бир-бирининг устига ўтказилган, хавфсизлик камари йўқ, нафас олишга жой тор. Бу — оддий қондабузарлик эмас, бу болалар ҳаётига нисбатан бепарволикдир.



Энг ажабланирлиси, айрим ота-оналар ҳам бунга кўз юмаяпти. Фарзандини устма-уст тиқилган машинага чиқариб юборётган ота-она балки "тезроқ боғчага етсин", "ҳамма шундай қиляпти", деб ўйлаётгандир. Аммо бир лаҳзалик бепарволик баъзан бир умр пушаймонга айланиши мумкин.

Афсуски, бу хавотирлар бекорга эмаслигини яқинда Нурота туманида юз берган фожиа яна бир бор кўрсатди. 14 нафар болани олиб кетаётган "Matiz" йўл-транспорт ҳодисасига учради. Машинани бошқараётган хусусий боғча мудираси ҳалок бўлди, болалар эса турли даражада тан жароҳати олди. Энг даҳшатлиси, ўша машинада боғча ёшидаги болалар ва ҳатто чақалоқ ҳам бўлган. Биргина "Matiz"га шунча ёш болани жойлаштиришнинг ўзиёқ қанчалик катта хавф эканини аниқлаш қийин эмас.

Мутасаддилар ҳодисага ҳайдовчининг тажрибасизлиги ва чағлиши сабаб бўлганини айтмоқда. Аммо масалага чуқурроқ қаралса, муаммо

фақат бир ҳайдовчининг хатосида эмаслиги аён бўлади. Бу — тизимли муаммо. Бир томонда қўшимча даромад илжинидаги боғча эгалари, иккинчи томонда эса фарзанди хавфсизлигини кейинги ўринга сураётган ота-оналар бор. Энг хавфлиси, жамиятнинг бундай ҳолатларга аста-секин қўниқиб қолаётганидир.

Аслида, бола ташиш оддий хизмат эмас. Бу — катта масъулият. Чунки машинага чиққан ҳар бир бола кимнингдир бутун олами, орзуси, эртанги кўни. Уни хавфсиз манзилга етказиш эса фақат ҳайдовчининг эмас, бутун жамиятнинг вазифаси бўлиши керак.

Бугун маҳалла, мактаб ва боғчаларда айнан шу мавзуда кучли тарғибот зарур. Ота-оналарга "арзон" ёки "қулай" хизматдан олдин хавфсизлигини ўйлаш кераклиги тушунтирилиши лозим. Ҳар қандай транспортга болани чиқаришдан аввал машина ҳолати қандай, ҳайдовчи масъулиятлими, болалар учун етарли жой борми — шу саволлар берилиши керак. Негаки, фарзанднинг ҳаёти ҳеч қандай қулайлик ёки ортиқча пулдан устун эмас. Йўллардаги биргина бепарволик эса бир оиланинг эмас, бутун жамиятнинг юрагига оғриқ солиши мумкин.



Саҳифани "Mahalla" муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

БАНДЛИК БАРҲАМ ТОПЯПТИМИ?

БУ МАРТАБА САБР ВА МАТОНАТНИНГ МАҲСУЛИДИР



Бундан ташқари, уочиқ ерга картошка экиб, ички бозорларни сифатли маҳсулот билан таъминлаб келмоқда. Унинг айтишича, деҳқончилик фақат даромад манбаи эмас, балки сабр ва матонат мактабидир. "Мақсадимиз — халққа қиммат маҳсулот сотиш эмас, балки етарли ҳосил олиб, арзон ва ҳамёнбоп нархда тақдим этиш", — дейди у самимият билан.

Ёш фермер фаолиятини фақат ўзи учун эмас, балки бошқаларга ҳам фойдали бўлишини истайди. Мавсум пайтида қўшимча иш ўринлари яратиб, маҳалладаги ёшларни меҳнатга жалб этмоқда. Энг муҳими, у ўз тажрибасини тенгдошларига ўргатишдан чарчамайди — кимда қизиқиш бўлса, маслаҳат беради, йўл кўрсатади.

Замонбекнинг муваффақиятида оиланинг ўрни алоҳида. Иссиқхона қурилишидан тортиб, ҳосил йиғимигача барча жараёнларда оила аъзолари бирдек иштирок этади. Шу бирлик ва аҳиллик унинг ишига барака олиб қираётганини у алоҳида таъкидлайди.

Ерга меҳр қўйган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди, дейишади. Бу гапнинг ростлигига сурхондەرлик ёш фермер Замонбек Ризқулловнинг ҳаёт йўли яққол мисол бўла олади. Термиз туманидаги "Нурли диёр" маҳалласида яшовчи бу йигит бугун ўз меҳнати, изланиши ва қатъияти билан тенгдошларига чинакам ўрнак бўлмоқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Адолат ЮСУПОВА. Бухоро вилояти:

— Турмуш қурганимизга 6 ой бўлди. Турмуш ўртоғим ажралиш учун ариза берди. Агар ажрашсан, ижара уйда яшасан, ижара тўловини ҳам ундириб олиш ҳуқуқига эгаманми?

Самад АШУРОВ, ажралиш ва оилавий ҳуқуқ масалалари бўйича юридик консультант:

— Уй-жой кодексининг 32-моддасига кўра, тураржойдан фойдаланиш билан боғлиқ низолар суд тартибиде ҳал этилади. Суд ҳар бир ҳолатни алоҳида ўрганиб, томонларнинг шароитига қараб қарор қабул қилади. Айрим ҳолатларда суд собиқ турмуш ўртоғини бошқа тураржой билан таъминлаш ёки ижара ҳақини тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин.

Бу жараёнда суд уй кимнинг номида экани, аёлнинг бошқа яшаш жойи бор-йўклиги, қайси тараф уйдан чиққани ва бошқа ҳолатларга эътибор қаратади. Агар аёл ўз ихтиёри билан уйни тарк этган бўлса ёки яшаш учун бошқа имконияти мавжуд бўлса, суд ҳар доим ҳам ижара тўловини эр зиммасига юкламайди.

Шунингдек, алимент ва ижара ҳақи икки хил ҳуқуқий масала ҳисобланади. Алимент — фарзанд таъминоти учун қонун билан белгиланган мажбурий тўлов. Ижара пули эса фақат муайян уй-жой низои бўйича суд белгилаши мумкин бўлган ҳолатдир. Бу масала ҳар бир оиланинг аниқ шароити ва суд баҳосидан келиб чиқиб ҳал этилади.

АЖРАШГАН АЁЛГА ИЖАРА ПУЛИ ТЎЛАБ БЕРИЛАДИМИ?



Замонбек ёшларга ажратилган 15 сотих ер имкониятини қўлдан бой бермади. Аксинча, уни катта орзулар сари илк кадам, деб билди. Оиласи билан биргаликда замонавий иссиқхона барпо этди. Иссиқхонада талаб юқори бўлган "Бўрон" навли помидор етиштиришни йўлга қўйди. Бу нав ўзининг ҳосилдорлиги, узоқ муддат сақланиши ва бозорбўлиги билан ажралиб туради.



Ўзбекистонда ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ва уларга тенглаштирилган фахрийлар сони 60 кишини ташкил этади.



Ўзбекистонда давлат ва хусусий тиббиёт ташкилотлари учун ЯҲОНА ТАЛАБЛАР ЎРНАТИЛАДИ.



Уzunлиги 110 километр бўлган “Нурафшон — Пискент — Бўка — Бекобод — Боёвут — Янгиер” ЯНГИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИРЙЎЛИ қурилишига старт берилди.

6

Mahalla №38

2026 йил 9 МАЙ, ШАНБА

# “МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Бугунги кунда тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, бундай ҳолат аниқланган тақдирда эса жабрланган аёлларга тезкор ва комплекс ёрдам кўрсатиш тизими муваффақиятли йўлга қўйилган. Жумладан, хавфсиз муҳит яратиш, вақтинчалик бошпана билан таъминлаш, психологик, ижтимоий ва юридик ёрдамлар кўрсатиш орқали уларнинг ҳаётини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Сиз ҳеч қачон ёлғизликда қолмайсиз...

Феруза УММАТОВА,

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш Сирдарё вилояти ҳудудий маркази психологи.

Ана шундай муҳим вазифаларни амалга оширишда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш Сирдарё вилояти ҳудудий маркази ҳам фаол иштирок этмоқда. Зўравонликка учраган аёллар билан ишлашда, биринчи навбатда, уларнинг хавфсизлиги таъминланади, руҳий ҳолати барқарорлаштирилади ва ишонч муҳити яратилади. Чунки бундай ҳолатдаги инсонга нафақат ёрдам, балки тушуниш ва қўллаб-қувватлаш ҳам жуда зарур.

Шунингдек, марказ мутахассислари “комплекс ёндашув” тамойили асосида иш олиб боради. Яъни, аёлнинг муаммоси фақат бир томонлама эмас, балки ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этилади. Бу эса унинг ҳаётида барқарор ўзгаришларга эришиш имконини беради.



**Аёлни асраш — келажакни асраш демак. Марказ фаолияти орқали ҳар бир хотин-қизнинг ҳаётида янги саҳифа очилиши, уларнинг ўз кучига ишониб, жамиятда муносиб ўрин топишига кўмаклашиш олдимиздаги асосий мақсад.**

Йил бошидан буён марказга 14 нафар аёл ва 19 нафар бола жойлаштирилиб, уларга жами 186 та хизмат кўрсатилди. Жумладан, 6 та ҳолатда тиббий ёрдам олишга кўмаклашилди, 11 нафар аёл касб-хунар ўрганишга жалб этилди. 3 нафарининг бандлиги таъминланиб, яна 2 нафарининг иш жойини сақлаб қолишга ёрдам берилди.

Шунингдек, марказдаги аёлларнинг 6 нафар вояга етмаган фарзанди мактабга таълим муассасасига, 2 нафари эса умумтаълим мактабига жойлаштирилди.

Психологик хизматлар доирасида 86 та суҳбат ва индивидуал машғулотлар ташкил этилди. Ушбу жараёнда аёллар-

нинг руҳий ҳолатини тиклаш, зўриқиш ва қўрқувни енгишига кўмаклашиш буйича манзилли ишлар олиб борилди. Бу жараёнда уларнинг ички кечинмалари билан ишланиб, руҳий жиҳатдан барқарор ҳолатга келтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, 12 та юридик хизмат орқали зарур маслаҳатлар берилди.

Ҳеч бир аёл ўз муаммоси билан ёлғиз қолмаслиги керак. Агар сиз ёки яқинларингиз тазйиқ ва зўравонлик ҳолатига дуч келса, бефарқ бўлманг — ёрдам сўрашдан тортинманг. Жамиятдаги ҳар бир онгли фуқаро эса инсон қадрини ҳимоя қилишда фаол бўлиши зарур. Зеро, аёлга эътибор, бу — келажакка эътибордир.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

## ИШТИЁҚ ВА ИРОДА БИРЛАШСА, ИМКОНИАТЛАР ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ



Имконияти чекланган бўлишига қарамай, яшаш учун курашаётган, меҳнат қилишга уринаётган инсонларни кўрганимда, ич-ичимдан уларга ҳурматим ошади. Ҳақиқатан, инсонга берилган имкониятлар чек-чегарасиз. Фақатгина уни намоён этиш учун куч ва ирода керак.

Лола ВАЛИЕВА, Кўкдала туманидаги “Хўжабод” маҳалласи ижтимоий ходими.

**Х**онадонларни айланиб юриб, ўтирган жойида нимадир ясаётган, бирор янгилик яратишга уринаётган аҳоли вакилларини кўп учратаман. Эринмасдан улар билан суҳбатлашишга вақт ажратаман. Кўпчилигида ички иштиёқ ва қизиқиш жуда баланд. Янги хунар ўрганиш иштиёқи кучли. Улар вақтини зериккиш ва сиқилиш билан эмас, яратувчанлик руҳида ўтказишга интилади. Шундай кишиларни қўллаб-қувватлашдан бошқача завқ оламан. Қолаверса, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар билан махсус ёндашув асосида иш олиб бораёмиз.

**Маҳалламизда жами 1088 та оила истиқомат қилади. Шундан 132 таси Ижтимоий реестрга киритилган. Шунингдек, ҳудудимизда 97 нафар ногиронлиги бўлган шахс бўлиб, уларнинг 24 нафари вояга етмаган болалар.**

Жорий йилда 3 нафар алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болани инклюзив синфда тахсил олишга йўналтирдик. Бу эса уларнинг ўз тенгдошлари билан бирга билим олишига катта имконият яратди.

Шунингдек, ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш орқали 20 нафарга яқин фуқаронинг ижтимоийлашуви таъминланди. Мисол учун, Беҳруз Мардонов олдин соғлигидаги муаммолар сабаб уйда ўтирарди. Аввало, боланинг онаси билан суҳбатлашдик. Шундан сўнг психологик-тиббий-педагогик комиссияга кўридан ўтиш учун ариза киритилди ҳамда Беҳруз туманнинг 3-сонли умумтаълим мактабининг инклюзив синфига қамраб олинди.

Абдуллаева Фотима ҳам анчадан буён уйда таълим олиб келаётган эди. Қурилган чора-тадбирлар натижасида уни инклюзив синфга жойлаштирдик. Ўзи ва яқинлари бундан жуда мамнун.

Ҳаётда инсон инсонга суянч. Ҳеч ким ёлғиз ўзи муваффақият чўққисига кўтарила олмайдди. Қачонки, бир-биримизни қўллаб-қувватласак, қўлимиздан келганда ёрдамласак, орзуларимиз амалга ошади. Шундай экан, яхшилик қилишдан тўхтамайлик!



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУЖАЕВА тайёрлади.

МЕҲР ВА МУРАВВАТЛИ ДУНЁ БУ...

Кумкўрғон туманида фаолият юритаётган ногиронлиги бўлган болалар учун мўлжалланган Мурувват уйида ҳар бир кун алоҳида маъно касб этади. Бу ерда тарбияланаётган болалар учун меҳр, эътибор ва ғамхўрлик оддий тушунча эмас, ҳаётининг муҳим бўлаги.

## ИШОНЧ ВА УМИДЛИ МАСКАНДА ЧИНАКАМ ОРЗУЛАР ТУҒИЛАДИ

Маржон ТОШМУРОДОВА, журналист.

Бугунги кунда муассасада 131 нафар ақлий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар тарбияланмоқда. Улар учун тиббий парварош, реабилитация, психологик ёрдам ҳамда ижтимоий мослашув хизматлари мажмуавий тарзда йўлга қўйилган. Ҳар бир бола билан индивидуал ишлаш орқали уларнинг қобилияти очилиши, жамиятга мослашуви ва мустақил ҳаётга тайёрланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кимдир рангли совулардан гуллар ясади, яна бири тикув машинасида синчковлик билан нимадир тикади. Ошхонада эса жажжи қўллар мазали таомлар тайёрлаш билан банд. Баъзи болалар кўен парварош қилиш орқали меҳнат ва масъулиятни ўрганмоқда. Оддий қўринган бу машғулотлар аслида уларда сабр, ишонч ва ҳаётга қизиқишни шакллантиради.



**Мурувват уйи, бу — меҳр билан кичик ютуқлар катта умидларга айланаётган маскан. Бу ерда болалар нафақат тарбия олади, балки орзу қилишни, ўзига ишонишни ва ҳаётни севишни ўрганади.**

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИАТ ЧЕКСИЗ

## “МЕҲНАТ ҚИЛГАН ОДАМГА ДАРД ЯҚИН ЙЎЛАМАЙДИ”

Жондор туманидаги “Кўлиён” маҳалласида яшовчи Солиевлар оиласида тўрт фарзанд бўлиб, 2001 йилда туғилган кенжа ўғил Асрбек Солиев 2021 йилда чет элда ишлаб юрганида автоҳалокатга учради. Қаттиқ шикастланиш натижасида унғ оёғидан айрилган йигит оиласининг, бо-бо-бувисининг руҳий далдаси билан оёққа туриб, яна меҳнат қилишда давом этди.



Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

**Х**озирда томорқасида барпо этган иссиқхонада 35 тул лимон қўчатини парварошлаб, ҳар бир тупдан ўртача 1 миллион сўмдан даромад қилапти.

Асрбекнинг фойдаланиб келаётган протези жуда ноқулай бўлиб, бу унинг иш фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатар эди. Туман “Инсон”

ижтимоий хизматлар марказига мурожаат қилганидан сўнг, соҳа мутахассислари келиб, Асрбекдан ўлчам олишди ва яқинда унга замонавий протез тақдим этилди. Шу билан бирга, “Инсон” маркази берган 2 қўти асалари билан янги фаолиятни ҳам бошлади. Бу орада бобоси олиб берган 3 қўти асалари билан фаолиятини янада кенгайтирди. Тиниб-тинчимас Асрбек яқинда ёшлар учун 30 йилга фойдаланишга бериладиган ер ҳам олиб, ҳозирда дуккакли ўсимликлар экишни мақсад қилган.

— Ногиронлик гуруҳининг белгиланиши, яшашдан, ҳаракатдан тўхташ дегани эмас, — дейди Асрбек. — Кимгадир юк бўлмасдан меҳнат қилиш, мақсад сари дадил бориш керак. Тўхтасанг-ўтирасан, ўтирсанг-ётиб қолишинг мумкин. Меҳнатни севган одамдан дард ҳам чекинади. Айниқса, янги берилган протез билан юришим, ҳаракатланишим янада осонлашди. Бу эса менга янги режаларни бошлашимга имкон берди.



Ўзбекистонда маҳаллий АВИАРЕЙСЛАР ЧИПТАЛАРИ АРЗОНЛАШАДИ, давлат субсидия ажратади.



Ўзбекистонда қурилиш объектига киритилган ҳар бир материал ЭЛЕКТРОН РЎЙХАТГА ОЛИНАДИ.



Ўзбекистонда шаҳар жамоат транспорти ЯГОНА АГЛОМЕРАЦИЯ ТИЗИМИГА ўтказилади.

2026 йил  
9 МАЙ,  
ШАНБА

**Mahalla** №38

7

## “ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

### ҲАЁТНИ ҲИССИЁТ БИЛАН ЭМАС, МАСЪУЛИЯТ БИЛАН АНГЛАГАНЛАР БАХТЛИ БЎЛАДИ



Маҳалламиз номининг келиб чиқиши ўзига хос тарихга эга. Дастлаб бу ҳудудга Дали ота кўчиб келиб, шу жойни обод қилган экан. Кейинчалик аҳоли сони кўпайиб, ҳудуд кенгайган. 1999 йилда эса Дали ота номи билан “Далигузар” деб аталган ва шу ном бугунгача сақланиб қолган.

**Ф**уқароларимиз жуда аҳил ва меҳнатсевар. Маҳаллада кам таъминланган оилалар деярли учрамайди. Йил бошида 30 нафар ишсиз фуқаро рўйхатда турган бўлса, бугунга келиб уларнинг 10 нафари “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳамда ҳомийлар кўмагида доимий иш билан таъминланди. Энг муҳими, одамларда меҳнат қилиш, ўз даромад манбаини яратишга интилиш кучли. Кўплаб хонадонларда кичик тадбиркорликни йўлга қўйиш истаги бор. Айрим оилалар уй шароитида болалар уйинчоқлари тайёрлаб, йирик тадбиркорларга етказиб бермоқда.

“Аёллар дафтари”да рўйхатда турган 80 нафар аёлнинг бугунги кунда 40 нафари ўзини ўзи банд қилгани қувонарли ҳол. Энди яна 27 нафар аёлни рўйхатга киритиб, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни режалаштирганмиз. Шунингдек, 10 нафар аёлга психологик ёрдам кўрсатиш ишлари олиб борилмоқда. Чунки аёлнинг оиладаги масъулияти жуда катта. Уй-рўзгор ташвиши, фарзанд тарбияси, оила аъзоларининг кўнглига йўл топиш — буларнинг барчаси, аввало, аёл зиммасига тушади. Айрим ҳолатларда эса оиланинг моддий таъминоти ҳам аёл елкасида қолиб кетади. Табиийки, бундай босим баъзи аёлларни руҳий тушқунликка олиб келиши мумкин.

Шу боис биз уларни психологларга йўналтириб, турли тренинг ва суҳбатларда иштирок этишини таъминлаётимиз. Ана шу саъй-ҳаракатлар

натijasида 6 нафар аёлни оғир руҳий ҳолатдан чиқаришга муваффақ бўлдик. Ажралиш ёқасига келиб қолган 10 та оилани яраштиришга эришганимиз ҳам маҳалламиздаги энг катта ютуқлардан бири, деб ўйлайман.

Мен аввал мактабда репродуктив саломатлик фанидан дарс берганман. Уша пайтларда қизлар билан оиллага тайёргарлик, турмуш масъулияти, сабр ва ўзаро ҳурмат ҳақида кўп суҳбатлашардик. Назаримда, бу фанни яна таълим тизимига қайтариш вақти келди. Чунки бугун айрим 10-11-синф ўқувчилари оилавий ҳаётнинг мазмун-моҳиятини етарли даражада англаб етмаган. Турмушга чиққанидан кейин мулақо бошқа муҳитга тушиб қолгандек бўлади. Ҳаётни баъзан энгил қабул қилишади, оила эса фақат ҳиссиёт эмас, балки катта масъулият эканини кеч англашади.

**Бизда никоҳдан ўтиш учун ёшлар аввал маҳаллага мурожаат қилади.** Мен эса ҳеч қачон шошилиб имзо чекмайман. Аввал куёв билан ҳам, келин билан ҳам алоҳида суҳбатлашаман. Оиллага тайёрми, яхши-ёмон кунларда сабр қила оладими, бир-бирини тушунишга ҳаракат қилладими — шу жиҳатларга эътибор қаратаман. Чунки улар ҳали ҳаёт йўлига эндигина қадам қўётган икки навқирон ниҳол. Ҳаёт синовлари келганда сал шамолдаёқ эгилиб қолишини истамайман. Шунинг учун ўз ҳаётий тажрибаларимдан мисоллар келтириб, оиланинг муқаддаслиги ва масъулияти ҳақида тушунча бераман. Ана шундан кейингина никоҳ учун йўланма расмийлаштирилади.

Мен учун энг катта бахт — маҳалламизда оилалар мустақкам, фарзандлар тарбияли, одамлар эса бир-бирига меҳрибон бўлиб яшашидир.

Холида ОХУНОВА,  
Зангиота туманидаги “Далигузар” маҳалласи раиси.

Албатта, ҳануз ечимини кутаётган оғрикли масалаларимиз йўқ эмас. Айниқса, оилалар ҳаётига учинчи шахсининг аралашуви ва телефон билан боғлиқ келишмовчиликлар бугун ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Яқинда шундай ҳолатга дуч келдик: куёв келиннинг телефонини олиб қўйиб, “ота-онанг гап ўргатяпти”, деб гумон қилган. Натижада келиннинг ота-онаси ҳам аралашиб, оддий тушунмовчилик катта жанжалга айланиб кетган. Ваҳоланки, айрим масалаларни, аввало, эр-хотиннинг ўзи ўзаро мулоқот ва ишонч орқали ҳал қилишни ўрганиши керак.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

**Қаҳҳор ОЧИЛОВ,**  
Фарғона вилояти:

— Бозорга чиқиб, сигир ва бузоқ харид қилмоқчи эдим. Уларнинг умумий қиймати 30 миллион сўмни ташкил қилди. Сотувчига тўловни нақд пул шаклида амалга оширсам бўладими?

**Чорва молини нақд пулга сотиб олиш мумкинми?**

**Асрор КЕЛДИЁРОВ,** ҳуқуқшунос:

— Амалдаги қонунчиликка кўра, 2026 йил 1 апрелдан эътиборан, қиймати 25 миллион сўмдан ошадиган товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоблар банк карталари ёки электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилиши белгиланган. Бироқ мазкур тартибдан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари мустасно қилинган. Солиқ кодексига мувофиқ чорва моллари, жумладан, сигир ва бузоқ қишлоқ ҳўжалиги товарлари тоифасига киради.

Шу боис бозорда сигир ва бузоқ хариди учун умумий қиймат 30 миллион сўмни ташкил этган тақдирда ҳам, тўловни нақд пул шаклида амалга ошириш қонунчиликка зид ҳисобланмади.



Ҳозир биз фуқароларга айнан шу қулайликларни ўргатишга ҳаракат қиляпмиз. Чунки бугунги замон одамларнинг вақтини ҳам, маблагини ҳам тежашни талаб қилади.

Солиқ инспектори сифатида яқинда иш бошладим. Фаолиятим давомида, энг аввало, ҳудуддаги тадбиркорларнинг иш жараёнларини яқиндан ўрганишга эътибор қаратдим. Уларнинг қандай фаолият юритаётгани, нечта фуқарони иш билан таъминлагани ҳамда солиқ тўловларини қай даражада амалга ошираётганини таҳлил қилдим.

### ТУШУНТИРИШ БОР ЖОЙДА ТУШУНМОВЧИЛИК КАМАЯДИ

Сарвар АБДУЛЛАЕВ,  
Узун туманидаги “Чинор”, “Томчи”, “Кичик Жончека” ва “Оқостона” маҳаллалари солиқ инспектори.

Бугунги кунда ҳудудимиздаги солиқ тўловчиларнинг қарийб 50 фоизи тўловларини давлат бюджетига ўтказишга улгурди. Фуқаролар билан суҳбатлашганимда бир нарсани алоҳида таъкидлайман: “Солиқни вақтида тўлаш, ортиқча харажат ўзингизга ҳам оғирлик қилмасин”. Чунки одамларнинг чўнтагига зарар етишини истамайман. Шу сабаб июнь ойига яна муддат ва имконият бердик.

Бир кун “Томчи” маҳалласидаги кичик тадбиркорлардан бири ёнимга келди. “Солиқни тўлайман, деб банкма-банк юриб чарчадим, навбат кутаман, вақтим кетади”, деди. Ҳужжатларини кўриб чиқсам, айрим тўловлари ҳам муддатидан кечиккан экан. Шунда уни ёнимга ўтказиб, телефонидаги илова орқали қандай қилиб уйдан чиқмаган ҳолда солиқ тўлаш мумкинлигини босқичма-босқич кўрсатиб бердим. Кейин биринчи тўловни ўзи амалга оширди. Тўлов тасдиқлангач, ҳайрон бўлиб: “Шунча пайт овора бўлиб юрган эканман-ку”, деди.

### ЯШИЛ ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ МАҲАЛЛАДА УЙҒОНАДИ

**Висола АҲАТОВА,**  
Тошкент давлат шарқшунослик университети талабаси.

**Э**кологияни асраш фақат кўчат экиш билан чекланмайди. Экилган дарахтларни парваришlash, ҳудудлар озодлигини таъминlash, чиқиндиларни белгиланган жойга ташlash, сув ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳам экологик маданиятнинг муҳим кўринишидир. Чунки яхши парвариш қилинган ҳар бир дарахт — келажак авлод учун тоза ҳаво, соғлом муҳит ва барқарор ҳаёт кафолатидир.

Айниқса, ёш авлодни табиатга эътиром руҳида тарбияlash бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Болалар ва ёшларда чиқиндиларни саралаш, атрофни ифлос қилмаслик, табиат неъматларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби одатларни шакллантириш орқали келажакда экологик масъулиятли жамиятни барпо этиш мумкин. Бу борада “маҳалла еттилиги”, экологлар, нурунийлар ва маҳалла фаолларининг ҳамкорлиги муҳим ўрин тутаяди.



Маҳалла институтини бу борада энг таъсирчан жамоат тузилмаларидан бири саналяди. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун асосида ҳар бир маҳаллада “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш комиссияси” ташкил этилгани бу соҳадаги ишларга тизимли ёндашушни таъминламоқда.

Афсуски, айрим ҳудудларда мазкур комиссиялар имконият ва ваколатларидан тулиқ фойдаланилмаётган. Шу боис эндиликда улар фаолиятини жонлантириш, комиссия аъзоларининг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида махсус ўқувлар ташкил этилиши белгиланган. Май ойи давомида барча туман ва шаҳарларда “маҳалла еттилиги” ҳамда комиссия аъзолари учун экологик маданиятни тарғиб қилишга қаратилган амалий семинарлар ўтказилди.


Асида, экологик маданиятни шакллантиришда энг

муҳим масала — бу вазиятга фақат ақция ёки мавсумий тадбир сифатида эмас, балки кундалик ҳаёт тарзи сифатида қарашдир. Шу маънода, маҳаллаларда “бир хонадон — бир дарахт”, “озода кўча”, “чиқиндисиз ҳудуд” каби ташаббусларни кенг жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ҳар бир маҳаллада чиқиндиларни саралаш, аҳоли учун махсус эко-бурчаклар ташкил этиш, ёшлар иштирокида “яшил патруль” гуруҳларини шакллантириш яхши самара беради.

Айниқса, экологик тарбияни оиладан бошлаш муҳим. Фарзанд катталардан ўрнак олади. Агар хонадонда сувни тежаш, чиқиндиларни белгиланган жойга ташlash, дарахт ва гулларга меҳр билан қараш оdatта айланса, бу келажакда

юксак экологик маданиятли жамиятни шакллантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, маҳаллаларда “энг озода кўча”, “энг намунали хонадон” ёки “энг кўкаламзор ҳудуд” каби танловларни мунтазам ўтказиш аҳоли ўртасида соғлом рақобат ва масъулиятни кучайтиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш — фақат давлат ёки алоҳида ташкилотларнинг вазифаси эмас. Бу — ҳар бир фуқаронинг бурчи ва масъулиятидир. Агар ҳар бир инсон ўз маҳалласи, кўчаси ва яшаш муҳитига бефарқ бўлмаса, экилган ниҳолларга меҳр билан қараса, экологик маданият қондаларига амал қилса, юртимиз янада обод, мусавво ва яшил маконга айланиши шубҳасиз.




Саифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



Адлия вазирлиги  
хузурида  
ТУЛОВГА  
ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК  
ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ  
ҳамда унинг ҳудудий  
бўлимлари ташкил  
этилади.



ҲУКУМАТ ҚАРОРИ  
БИЛАН фуқароларни  
яшаш ва турган  
жойи бўйича  
рўйхатдан ўтказиш  
тартиби  
белгиланди.



Саноат, радиация  
ва ядро хавфсизлиги  
қоидалари бузилиши  
юзасидан  
ХАБАР БЕРГАН  
ШАХСЛАР  
РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,  
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Ҳар бир оилада эр-хотин тинч-тотув, аҳил-иноқ равишда, бахт наҳидасини суриб яшаши айни муддаодир. Аммо, жон бор жойда жанжал бор, деганларидек, эр-хотин орасида тушунмовчиликлар, келишмовчиликлар ва уруш-жанжаллар чиқиб туриши табиий. Ушбу ҳолатни тўғри ҳал қилиш оила саодатига хизмат қилади. Акс ҳолда ушбу воқеадаги каби оғир жиноятларга йўл очилади.

ЁЛЛАНМА  
ҚОТИЛЛИКНИНГ  
ОЛДИ ОЛИНДИ

Хулоса шуки, бундай жиноятни қўзлаган шахслар ўзларини бир қадам олдиндаман, деб ўйлайди. Аммо улар қаттиқ адашади. Чунки ички ишлар тизими ходимлари доимо хушёр ва сергак, улар ҳар қандай ғаразли режани ўз вақтида, зарур ҳолларда олдиндан аниқлаб, оғир жиноят содир этилишига йўл қўмайди. Ушбу воқеа бу ҳақиқатнинг яна бир яққол исботи.

ап шундаки, Тошкент шаҳрида аёлини ўлдир-ришга чоғланган эрнинг оғир жинояти фош этилди. Буюртмани амалга ошириш учун қотил 10 минг АҚШ доллари эвазига ёлланади.

Хуш, бунга нима сабаб бўлган? Жиноят иши ҳужжатларига назар ташласак, эркак 1985 йилда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, оилали Улмас (тарафларнинг хавфсизлиги мақсадида исм-фамилиялар ўзгартирилган) исмли шахслигини кураимиз. У шаърий никоҳидаги аёлини ўлдир-риш учун қотил сифатида Аҳмад исмли фуқарони ёллаган.



Шундан сўнг Аҳмад аёлининг ўлдиргани, буюртма бажарилгани ҳақида хабар беради. Кейинги учрашувда эркак ваъда қилинган пулнинг бир қисми сифатида 6,5 миллион сўм маблағни ва жабрланувчининг номида бўлган қора рангли “Tacker” русумли автомобилни топшириш вақтида ашёвий далиллар билан ушланди.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 97-моддаси (қасддан одам ўлдир-риш) билан жиноят иши қўзғатилган. Гумонланувчига нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланган. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси ахборот хизмати.

Маълумотларга кўра, гумонланувчининг икки оиласи бўлган. Иккинчи аёли биринчи оиласи ҳақида билиб қолгач, улар ўртасида мунтазам келишмовчиликлар юзага чиққан. Эрнинг айтишича, 37 ёшли аёли фарзандлари ва ўзини кўп қаватли уйдан ташлаб юбориш билан қўрқитиб келган.

Шу боис вазиятдан чиқиш мақсадида ёлланган шахсга аёлининг яшаш манзили, кундалик ҳаракатлари йўналиши ҳамда автомашинаси, уйдан нечада чиқиб, нечада келиши бўйича маълумот берган. Шунингдек, 2 минг доллар бунак тўлаб, қолган пулни иш бажарилгандан кейин ҳисоблашишга ваъда қилган.

Орадан ҳеч қанча муддат ўтмай буюртма бажарилди. Эр мақсадига етди. Аммо...

Аслида эса 26 апрель куни жиноят-қидирув ходимлари аёл ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида махсус саҳналаштирилган тезкор тадбир ўтказган эди. Бу жараёнда олдиндан пухта ишлаб чиқилган режа ҳамда жабрланувчининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этди. Ёлланма қотилни эса биров аввал жиноят-қидирув бўлими ходимлари қўлга олишган эди. У шундан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилади.



Ушбу сондаги барча мақолалар матнни мустахҳиқ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

ХАВФСИЗ МУҲИТ

“ЖАЗОЛАШ ЭМАС, ТАРБИЯЛАШ  
ЙЎЛИДАН БОРДИК”

Аввалдан айтиб ўтай, маҳаллаимиз “яшил” тоифадаги ҳудуд ҳисобланади. Бу — бир қарашда табиий жараёндек туюлиши мумкин. Аммо унинг замирида қанча меҳнат ва машаққат ётганини соҳа эгалари яхши англаймиз. Чунки осойишталик ва хавфсизлик кўзга кўринмас неъмат бўлса-да, жамият тараққиётининг энг асосий пойдевори саналади. Уни мустаҳкам сақлаш катта меҳнат, аниқ ҳисоб-китобни талаб этади.



Акбар ИКРОМОВ, Бухоро шаҳридаги “Шарк юлдузи” маҳалласи профилактика инспектори.



У жараёнда фақат назорат ва жазо чораларига таяниш билан чекланган адашади. Аксинча, тарбия, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва профилактика орқали жиноятни жилавлалаш мумкин. Хизмат фаолиятимда мана шу мезонга таяниб, кам бўлмадим.

Эришган натижаларимиз тўғри йўлда эканимизни кўрсатаяпти.

Худудимизнинг 4 380 нафар аҳолиси 35 та кўп қаватли уйларида истикомат қилади. Утган йиллар давомида “еттилик” ташаббуси билан учта гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноят фош этилди. Шунингдек, 10 нафар профилактик ҳамда 5 нафар пробация ҳисобидан турган шахслар билан яқиндан ишладик. Нега фикримни кўпликда баён қилдим? Чунки бир ўзим бу ишларнинг уддасидан чиқа олмасдим. Юқорида таъкидлаганимдек, “еттилик”нинг ҳамжиҳатлиги ва ҳар бир ишни бамавсат амалга ошираётганимиз ўз самарасини кўрсатди.

Барча иллат боши бекорчиликдан келиб чиқишини эътиборга олсак, аҳолини иш билан таъминлаш муҳим. Шу мақсадда пробация ҳисобида турган шахслар билан манзилли иш олиб бордик. Уларни турли касбларга ўқитдик. Жамиятга қайта мослашувига ёрдам бердик.

Жорий йил 27 январь куни Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор ийгилиши фаолиятимизда янги босқични бошлаб берди. “Пойтахт намунаси” асосида “йўл харитаси” тузиб, маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш юзасидан содир этилган жиноятларнинг сабабларини чуқур таҳлил қилдик. Бундан ташқари, кўп қаватли уйлarning кириш жойлари, савдо ва маиший объектлар қўриқлашга олинди.

Худуддаги барча объектлар, савдо нуқталари ҳамда аҳоли гавжум жамоат жойлари босқичма-босқич тўлиқ камералаштирилди. Заомнавий кузатув тизимлари ҳуқуқбузарликларни масофадан аниқлаш, жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларни тезкорлик билан фош этишда кўл келяпти.

Ҳар қандай кичик масала эътиборсизлик туфайли катта муаммага айланади. Яъни, жиноятчилик, зўравонлик ёки ижтимоий беқарорлик ҳеч қачон бирдангина пайдо бўлмайди. Унга олиб келувчи омиллар аввал кичик аломатлар, эътибордан четда қолаётган ҳолатлар, оиладаги ёки ёшлар билан боғлиқ муаммолар вазиятлар ёхуд қўшничилик муносабатларидаги зиддиятлар сифатида намоян бўлади. Ана шу жараёни тўғри баҳолай олмасак, оқибати катта бадал билан тўланади. Шу сабабли бир зум ҳам ҳушёрликни йўқотмасликка интиляпмиз. “Хонадонбай” тарғибот тадбирларида фуқароларнинг ҳуқуқий ҳамда ахборот хавфсизлиги бўйича билимини ошираёмиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ОДАМ САВДОСИ  
ЖИНОЯТИГА  
ҚАНДАЙ  
ЖАВОБГАРЛИК БОР?

Нозима ТИЛЛАЕВА,  
Бухоро шаҳри:

— Ҳозирги кунда одам савдоси давр нуаммосига айланиб бораётгани барчамизга маълум. У ўзининг хавфсизлик даражаси бўйича ноқонуний қурол-яроғ сотиш ҳамда нарқобизнес каби трансмилий жиноятлар билан бир қаторга қўйилмоқда. Юртимизда бу турдаги жиноятларга қандай жавобгарлик белгиланган?

Яҳёхон МАҲМУДОВ,  
Жиноят ишлари бўйича Пахтаобод тумани судининг тергов судьяси:

— Одам савдоси, бу — инсонни куч билан қўрқитиш ёки куч ишлатиш, алдаш, мажбурлаш, қарамликдан фойдаланиш ёки бошқа шахснинг розилигини олиш учун кимгадир пул ёки имтиёзлар бериш орқали фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташвиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишдир.

Бу турдаги жиноят содир этилса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасига кўра, 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси  
Бош муҳаррир:  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ  
Дизайнерлар:  
Лазиз Мейликов  
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан  
2024 йил 7 майда  
№271590 рақами билан  
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:  
100192, Тошкент шаҳри  
Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.  
Телефонлар:  
71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарк» НМАК босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили:  
Тошкент шаҳри  
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.  
8 847 нусхада чоп этилди.  
Буюртма №: Г-520

